# ЯНГИ ЮТУҚЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

юклайди. Бир ёки икки жангчининг камчилиги, хатоси ҳам кўпчиликка панд бериши аниқ. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир жангчининг нафақат касбий маҳоратини, балки унинг ҳар томонлама тайёргарлик даражасини оширишга, ўзаро уюшқоқликка, тартиб-интизомга алоҳида эътибор бериш керак. Бу томонлама алоқачилар взводи жамоаси мусобақадошларга бемисл ўрнак бўлиши мумкин.

— Жамоамизда барча тайёргарликлар бўйича аълочи посбонлар нисбати кўп, — дейди взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Маъруфжон Очилов. — Жанговар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарликлар бўйича лейтенант Умид Салимов, шартнома бўйича хизмат сержантлари — Александр Пестов, Владимир Абакумов, кичик сержантлар — Алиқул Қодиров, Камол Маматмуродов, оддий аскарлар — Қаҳрамон Баҳромов, Аслиддин Шоймардонов каби жангчилар доим юқори натижаларга эришиб келмоқдалар. Шунингдек, алоқа бўлими посбонлари, Қуролли Кучлар хизматчилари — Аня Мальцева, Диана Сотникова, Сайёра Эргашева кабиларнинг умумжамоа ютуғига қўшаётган ҳиссаларини ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтса арзийди.

Ҳа, юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, бугун алоқачи посбонларнинг руҳи, иштиёқи баланд. Истиқлол байрамини катта ютуқлар, тантаналар билан кутиб олган офицер, сержант ва аскарлар якуний синов машғулотларида ҳам фаол қатнашиб, бор куч ва имкониятларни ишга соладилар, янада қувончли натижаларга эришадилар, деган фикрдамиз. Буни взвод жамоасининг бугунги муваффақиятлари яққол исботламоқда.

Майор Н. АЗИМОВ.

# ЦЕНТР БОЕВОГО УПРАВЛЕНИЯ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

ранов компьютеров. Современная оргтехника во многом облегчила их работу, но и предъявляет повышенные требования к уровню знаний и навыков. От каждой службы и подразделения сюда стекается огромное количество информации, которую надо оценить, обработать и принять решение, которое в виде приказов и боевых распоряжений станет законом для дальнейших действий разведчиков и связистов, авиаторов и саперов, горных стрелков и подразделений тыла.

Особая забота — взаимодействие с подразделениями пограничных и внутренних войск, милиции, МЧС, представителями местных властей. Сегодня ни одно занятие в горах не проходит без тесного сотрудничества всех силовых структур. За последние годы, получив боевой опыт в операциях по противодействию бандам международных террористов и экстремистов, офицеры штабов различных силовых структур Вооруженных Сил Республики Узбекистан научились преодолевать ведомственные барьеры и понимать друг друга с полуслова.

У каждого в горах своя задача: кто-то штурмует перевалы, а кто-то отслеживает ход занятия, вносит в него необходимые коррективы. И неизвестно, кому легче. За время двухчасового оборонительного боя начальник штаба батальона теряет около четырех килограммов веса, а это — научный факт, неоднократно подтвержденный в ходе полевых учений.

Подполковник Владимир КАЛОШИН.

# „Нишонни бехато ур“

Маълумки, юртимиз ҳаётининг турли жабҳаларида бўлгани сингари Қуролли Кучларимизда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар жадал суръатларда давом этмоқда. Уларнинг нақадар тўғри ва ўринли эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатяпти. Масалан, хизматнинг янги тури, яъни сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилиши ёки муддатли ҳарбий хизмат муддатининг қисқартилиши шулар жумласидандир. Бора-бора миллий армиямиз асосини ташкил этажак шартнома бўйича хизматчилар учун очилган Сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳам айнан изчил ислоҳотлар самарасидир. Умуман олганда, қилинаётган барча ишлар замирида ягона мақсад мавжудлиги сир эмас. Бу — миллий армиямизни ихчам, ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ билан таъминланган даражага олиб чиқиш, жангчиларимизни эса нафақат жисмонан, балки, маънан чиниқтиришдир.

— Бугунги кун ҳарбийсига қўйилаётган талабларнинг юқорилиги бежиз эмас, албатта, — дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дониёр Мусаев. — Ахир, тиш-тирноғигача қуролланган, махсус тайёргарликдан ўтган душманга қарши курашиш, уни енгиш, қолаверса, ёвуз ниятини амалга оширишда тўсқинлик қилиш учун биз — Ватан ҳимоячилари доимо жанговар шай ҳолатда бўлишимиз шарт. Юртимизда бўлиб ўтган қўпорувчилик ҳаракатлари «Огоҳлик — давр талаби» шиорига шу заминнинг ҳар бир фуқароси амал қилиши лозимлигини яна бир бор исботлади.

Келинг, юқорида айтилган фикр эгаси билан сизларни яқинроқ таништирай. Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан бўлмиш бу йигит муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, ҳарбий касбда фаолият кўрсатишга аҳд қилган. Ҳозирда у махсус бўлинма вакили бўлиб, катта лейтенант Жамшид Роҳаталиев командирлик қилаётган гуруҳда хизмат қилмоқда.

Айни кунларда давом этаётган дала-ўқув машғулотларида посбоннинг эришаётган натижалари бир неча бор командири томонидан жамоа аъзоларига ўрнак қилиб кўрсатилишига сабаб бўлди. Ҳа, айтганча, лавҳамиз қаҳрамонининг вазифаси — мерган.

Дарвоқе, мерган бўлиш баъзилар ўйлаганича осон иш эмас экан. Бунинг учун муайян билимларга эга бўлиш хусусан, жанговар қуролнинг турли шароитлардаги имкониятлари, ўқларнинг учиш траекторияси, жангчи эгаллаган позициянинг рельефи ҳақида хабардор бўлиш талаб этилади. Айнан шу каби омиллар қўйилган топшириқнинг тез, аниқ ва сифатли бажарилишида муҳим ўрин тутади.

— Ҳар гал шартли душманга қарата ўқ узишдан олдин устоз офицерларимнинг гапи ва ўзим кўрган бир бадиий фильмдаги лавҳа хаёлимдан ўтади. «Ватанпарвар» деб номланувчи бу фильмда қурол ишлатишга мажбур бўлган ёш болалар отаси ўргатганидек тепкини босишдан илгари: «Нишонни бехато ур», дея такрорлашади. Мен ҳам шу гапни фаолиятимнинг шиорига айлантириб олганман, — дейди оддий аскар Мусаев.

Тобора яқинлашиб келаётган ўқув йили якунларини аълочилар қаторида тамомлашни режалаштириб қўйган посбоннинг ниятига етишида тилакдош бўлиб қоламиз.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
„Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: лейтенант Б. Ваҳобов оддий аскарлар — С. Истатов ва Ғ. Тишликовларга жанговар қуролдан ўқ отиш бўйича сабоқлар бермоқда.

Александр МРУЧАК олган сурат.



● ЁЗГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР

# ЖАНГОВАР МАҲОРАТИНИ ОШИРМОҚДА

Пулемётчи оддий аскар Улуғбек Қулмуродов хизмат қилаётган бўлинма аскарлари ёзги ўқув мавсумининг якуний босқичида ҳам аъло натижаларга эришмоқда. Шу жумладан ўқчи оддий аскар Жаҳонгир Тўхтаев, пулемётчи оддий аскар Маъмуржон Раҳматов, гранатомётчи оддий аскар Отабек Зокиров ва расчёт номерчиси оддий аскар Аҳрор Сафаровларнинг фаолликларини таъкидлаш жоиз.

Бу аскарлар кундан-кунга жанговар маҳоратини ошириб, барча ҳарбий тайёргарликлар бўйича фақат аъло баҳолар олишга муяссар бўлишяпти.

Мана, яқинда бўлиб ўтган тактик тайёргарлик бўйича дала-ўқув машғулотларида юқорида номлари тилга олинган аскарлар юксак натижа кўрсатишди. Улар қўйилган жанговар-ўқув вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришди.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

# МАҚСАДИ ҚАТЪИЙ

Оддий аскар Шавкат Аҳмедовнинг хизматга келганига олти ой бўлаяпти. Бу посбон йигитлик бурчининг барча қонун-қоидаси, пасту баландини мукаммал эгаллай олди дегани. Эндиги ҳаракатлари эса ёзги ўқув мавсумининг назарий ва амалий машғулотларини пухта ўзлаштириб, аълочилар сафида бўлишга интилиш.

Подполковник Ҳакимжон Сатилов етакчилигидаги ҳарбий жамоада хизмат қилаётган йигитнинг вазифаси дизелчи-электрик.

— Албатта, ҳар бир вазифанинг ўз масъулияти бор, — дейди биз билан суҳбатда Шавкат. — Мен ҳам ўзимга ишониб топширилган вазифани пухта бажаришга ҳаракат қиламан. Ҳозирда ёзги ўқув мавсумининг энг қайноқ палласи. Ҳадемай якуний синов имтиҳонлари бошланади. Синов якунининг аълочи посбони бўлишга ким интилмайди, ким ҳаракат қилмайди, дейсиз. Менинг ҳам мақсадим илғорлар сафида бўлиш. Бу борада устоз-офицерлардан катта лейтенантлар — Улуғбек Ҳакимов, Шавкат Ҳамидов, Баҳром Шарифхоновларнинг сабоқ ва ўгитлари катта ёрдам бўлаяпти. Энг асосийси, ҳарбий хизматга келиб мен ўз олдимга қатъий мақсад қўйдим. Яъни, муддатли хизматдан сўнг шартнома асосида посбонлик бурчимни давом эттирмоқчиман.

Мақсади қатъий йигитга омад ёр бўлсин.

Зулфия ЮНУСОВА.

● СЕРЖАНТЫ — СТАНОВОЙ ХРЕБЕТ АРМИИ

# ЛИДЕРАМИ СТАНОВЯТСЯ

**Если переиначить известную поговорку и применить в отношении младшего сержанта по контракту Исроила Жураева, то она получит именно такое продолжение. Ибо лидерами воинских коллективов не рождаются — ими становятся в процессе кропотливого труда.**

Уроженец кишлака Кунгирот, что в Музрабадском районе Сурхандарьи, срочную служил зенитчиком. Затем учеба в школе подготовки сержантов уже по другому профилю — мотострелковому. Причем именно здесь вместе со специальностью механика-водителя БМП Исроил получил еще один сертификат — инструктора по психологической подготовке личного состава. Квалификация «лидер-сержант», присвоенная заезжими наставниками, присваивалась далеко не каждому. Значит, сумел парень проявить на деле лидерские задатки и умение вести за собой.

В новом воинском коллективе, куда младший сержант прибыл весной этого года, эти качества очень и очень пригодятся. Ведь Исроил получил назначение на должность командира секции командно-штабной машины взвода связи. На вопрос, не трудно ли бывшему зенитчику и мотострелку осваиваться в роли связиста, Жураев сдержанно ответил:

— В сержантской школе и на радиостанциях данного типа обучали работать. К тому же, мне не только самому надо хорошо знать аппаратуру войск связи, но и обучать подчиненных.

Можно сказать, что командиру группы старшему лейтенанту Олиму Омониязову повезло с новым подчиненным — отношение у младшего командира к своим служебным обязанностям самое ответственное. А это главное — когда человек четко осознает, что он в ответе за свое подразделение, то и спрос с сослуживцев учинит самый строгий. Уставная же дисциплина в сочетании с личной примерностью во всем — это надежный фундамент для будущих успехов.

Слушая одобрительные отзывы о младшем сержанте И. Жураеве из уст офицеров-воспитателей и старших командиров, не мог отделаться от чувства тревоги — не перехвалили бы. Словно уловив мое настроение, Исроил смущенно улыбнулся:

— Ну вы, конечно, знаете, что добрые слова обо мне сейчас по большому счету говорятся авансом. Их надо будет еще заслужить, я это сам понимаю. Но вы не переживайте — если кто здесь и зазнается, его быстро «в чувство» приведут. На то есть сержантский совет части, который вовремя поправит.

Верится, что «лидер-сержант» еще не раз делом подтвердит свое высокое звание.

Майор
Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

